

**Ахрор АХМЕДОВ**, Давлат солиқ қўмитасининг Жисмоний шахслар солиқ маъмуриятчилиги бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

# Таълим олиш учун йўналтирилган солиқ имтиёзлари тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 179-моддаси 31-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун (ўзининг ўқиши ёки йигирма олти ёшга тўлмаган фарзандларининг ўқиши учун) йўналтириладиган фуқароларнинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадларига жисмоний шахслардан даромад солиғи олинмайди.**

Мамлакатимиз олий ўқув юртларида таълим олиш учун йўналтириладиган маблағларга жисмоний шахслардан олинган даромад солиғи бўйича имтиёз-ни қўллаш тартиби тўғрисидаги низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2010 йил 27 майда давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур низомга асосан жисмоний шахсларга солиқ чегирмаси ўқиш учун йўналтирилган ўз маблағлари, жисмоний шахсга тижорат банклари томонидан берилган таълим кредитларини қоплаш учун йўналтирилган маблағлар ва юридик шахслар томонидан жисмоний шахсларга қайтариш шarti билан берилган маблағлар (ссудалар) ҳисобидан амалга оширилганда тақдим этилади.

Эътибор қаратиш керакки, бунда юридик шахслар томонидан талабаларнинг таълим олиши учун олий ўқув юрти билан тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича пулли-контракт асосида ўтказиладиган, ушбу юридик шахснинг харажати бўлган маблағлар суммасига солиқ чегирмаси имтиёзи татбиқ этилмайди.

Солиқ чегирмаси давлат солиқ хизмати органлари орқали жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш йўли билан ҳамда солиқ тўловчининг ёзма аризасига биноан тўлов манбаида, яъни иш берувчи томонидан ҳам берилиши мумкин.

Тўлов манбаида солиқ чегирмаси таълим учун тўланган суммаларни жисмоний шахснинг солиқ солинадиган даромадла-

ридан кейинчалик ушлаб қолиш шarti билан берилган иш берувчининг маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртига ёки тижорат банкига олинган таълим кредитини қоплаш эвазига иш берувчи томонидан ўтказиб бериладиган жисмоний шахснинг солиқ солинадиган иш ҳақи ва бошқа даромадлари ҳисобига амалга оширилганда тақдим этилади. Бунда тўлов манбаида солиқ чегирмаси қўлланилганда жами йиллик даромад тўғрисидаги декларация тақдим этилиши талаб қилинмайди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида ўқиш учун тўлов жисмоний шахс томонидан мустақил равишда (нақд пул ҳисобига, жисмоний шахсларнинг банкларидаги омонат ва бошқа ҳисоб рақамларидан ёки плас-

тик карталардан фойдаланган ҳолда) амалга оширилганда солиқ чегирмаси Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 191-193-моддаларида назарда тутилган тартибда давлат солиқ хизмати органларига жисмоний шахснинг жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни топшириш йўли орқали берилиши мумкин. Бунда солиқ чегирмаси Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртларида таълим олиш учун ҳақиқатда амалга оширилган харажатлар суммасига, солиқ даври учун кўрсатилган жисмоний шахснинг жами йиллик даромади миқдорида берилди.

Бу имтиёзлардан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг билим олиши учун қўшимча қулайликлар яратишдир.

**Сарвар МАҚСУДОВ**, эксперт

# Томорқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас

**Оиламиз қишлоқда яшайди. Ҳам ўзимиз учун, ҳам сотиш мақсадида мева ва сабзавотларни етиштириш билан шуғулланамиз. Ўзим билан учта ўғлим бирга ишлайди. Айтингчи, менга деҳқон хўжалигини юритиш учун ажратиб берилган томорқа ер участкасини хусусийлаштириб, уни ўғилларимга бўлиб беришим мумкинми?**

*Газета муштарийси*

Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун) деҳқон хўжаликларини ташкил этиш, уларнинг фаолияти ва тугатилишининг ҳуқуқий асосларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан муносабатларини тартибга солиди.

## ТОМОРҚА ЕР УЧАСТКАСИ – ОИЛА АЪЗОЛАРИДАН БИРИГА

Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, томорқа ер участкаси – қишлоқ хўжалик маҳсулотини эркин савдо ҳамда оила эҳтиёжлари учун етиштириш, шунингдек яқка тартибдаги уй-жой қурилиши ҳамда уй-жойни ободонлаштириш мақсадида оила аъзоларидан бирига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ўлчамларда ажратиб бериладиган ер участкасидир.

Деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилишга берилган томорқа ер участкалари хусусийлаштирилиши ва олди-сотди, гаров, ҳада, айирбошлаш объекти бўлиши мумкин эмас.

Деҳқон хўжалигига берилган томорқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

Томорқа ер участкасининг ўлчами ва чегаралари фақат деҳқон хўжалиги бошлиғининг розилиги билан ўзгартирилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги бошлиғи вафот этган тақдирда, томорқа ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи шу хўжалик аъзоларининг ўзаро келишуви асосида, деҳқон хўжалиги фаолиятини давом эттириш истагида бўлган хўжалик аъзоларидан бирига мерос бўйича ўтади. Деҳқон хўжалиги бошлиғи меҳнат қобилиятини

тўла йўқотган тақдирда, ер участкасига эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи хўжалик аъзоларидан бирига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда топширилади (Қонуннинг 9-моддаси).

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шундай ҳулосага келиш мумкинки, сиз деҳқон хўжалигини юритиш учун умрбод эгалик қилишга топширилган томорқа ер участкасини хусусийлаштириб, фарзандларингиз ўртасида бўлиб бериш ҳуқуқига эга эмассиз.

## ҚОНУНЧИЛИҚДАН

Деҳқон хўжалигига берилган томорқа ер участкаси бўлиниши мумкин эмас.

**Ўзбекистон Республикасининг "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни 9-моддасидан**

# БАНКРОТЛИК ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАР

**Таҳририятдан:** Давлат солиқ хизмати органлари томонидан таҳририятга юборилаётган банкротлик тўғрисидаги маълумотлар расмий хат орқали жўнатилиши билан бирга ушбу маълумотлар [info@soliqinfo.uz](mailto:info@soliqinfo.uz) электрон манзилига электрон кўринишда етказилган тақдирда чоп этилишини маълум қиламиз.  
Маълумот учун телефон: 0-371-129-19-22

Наманган вилоят иқтисодий судининг 2017 йил 19 сентябрдаги 16-1704/9322-сонли ҳал қилув қарорларига асосан "Гигант чегараси" ф/х (СТПР:300699063) соддаштилган тартибда банкрот деб эътироф этилиб, ягона Давлат реестридан чиқариш белгиланди. Тугатиш бошқарувчи этиб Мингбулоқ тумани ДСИ ходими Р.Турғунов тайинланди. Таъсис ҳужжат, гувоҳнома, низом, думалоқ муҳр ва бурчак шtamплари ҳамда бошқа ҳужжатлари тугатиш бошқарувчига тақдим этилмаган тақдирда мазкур эълон чиққан кундан эътиборан бекор қилинади. Кредиторлар (ўз талаблари бўйича) мазкур эълон чиққан кундан эътиборан 1 (бир) ой муддатда туман ДСИда қабул қилинади. Манзил: Мингбулоқ тумани, Жомашуй шаҳарчаси, Бўстон кўчаси, 13-уй. Тел.: (0-369) 452-16-36, 452-21-14.

Марғилон шаҳар туманлараро иқтисодий судининг 2017 йил 29 сентябрдаги 1504-1701/1339-сонли ЯТТ "Тухташинова Санобархон Муроджон қизи" (СТПР: 540043481), 1504-1701/1334-сонли ЯТТ "Исмаилов Раҳимжон Раҳматович" (СТПР: 488381934), 1504-1701/1335-сонли ЯТТ "Абдувахобов Абдувоҳиджон Абдубанноб ўғли" (СТПР: 538290856), 1504-1701/1336-сонли ЯТТ "Қурбонов Исломбек Дадажон ўғли" (СТПР: 478458500), 1504-1701/1337-сонли ЯТТ "Мирзааббаров Бобуримирзо Давлатжон ўғли" (СТПР: 539231373), 1504-1701/1338-сонли ЯТТ "Маматхонова Нилуфархон Зухридиновна" (СТПР: 603161098) ажримга асосан банкротликка доир иш кўзатилиди. 2017 йил 9 октябрь кунини соат 11-00 да Марғилон шаҳар ДСИда бўладиган очик сайёр суд мажлисида кўриб чиқилиши белгиланган. 1-кредиторлар йиғилиши Марғилон шаҳар Мустақиллик кўчаси, 450-уйда жойлашган ДСИда бўлиб ўтади.

Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорларига асосан қуйида жадвалда номи келтирилган фермер хўжаликлар банкрот деб эътироф этилиб, тугатишга доир иш юритиш бошланган.

№	СТПР	Хўжалик юритувчи субъектлар номи	Қарор		Тугатиш бошқарувчи
			санаси	рақами	
1	302971888	JAVLON MARJONA HANKORLIGI FX	1204-1711/1036	29.09.2017	Ж.Рабиимов

2	207042981	FAXRIDDIN-MUXIDDIN- NURIDDIN ӨX	1204-1711/1037	29.09.2017	У.Хидиров
3	303170927	SIRLI LOCHIN QANOTI ӨX	1204-1711/1038	29.09.2017	Ш.Кўчаров
4	302889940	JASUR OTKIR DILSHOD ӨX	1204-1711/1039	29.09.2017	У.Хидиров
5	303307033	ISMATILLA SUNNATILLA ORZUSI ӨX	1204-1711/1040	29.09.2017	У.Шониязов
6	303169142	ISMAILOM BAXROM DALASI	1204-1711/1041	29.09.2017	У.Хидиров
7	301846077	DAVRONBEK GULOMJON SHOHRUH ӨX	1204-1711/1042	29.09.2017	Ж.Рабиимов
8	303156562	ISAKOV ABIDIN DALASI ӨX	1204-1711/1043	29.09.2017	У.Шониязов
9	303172884	G'ALLAKOR SARDOBA DALASI ӨX	1204-1711/1044	29.09.2017	Ж.Рабиимов
10	302715397	ISKANDARBEK MARD POLVON ӨX	1204-1711/1045	29.09.2017	У.Хидиров

Думалоқ муҳр ва тўртбурчак шtamплари бекор қилинади. Барча даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 (бир) ой муддат давомида қабул қилинади. 1-кредиторлар йиғилиши 2017 йил 16 октябрь кунини соат 10-00 да, 2-кредиторлар йиғилиши 2017 йил 26 октябрь кунини соат 10-00 да ўтказилади. Манзил: Оқолтин тумани, Сардоба шаҳарчаси, Гулистон кўчаси, 4-уй, туман ДСИ. Тел.: (0-367) 243-11-58, 243-13-20.

Фарғона вилоят иқтисодий судининг 2017 йил 18 сентябрдаги 15-1705/5625-сонли ажримга асосан "Сафохон" хусусий фирмаси (СТПР: 202343380), 15-1705/5626-сонли ажримга асосан "Исматилло-ИКИ" МЧЖ (СТПР: 204325100) банкротликнинг соддаштилган таомили бекор қилиниб, банкротликнинг умумий таомилига ўтказилган. Тугатиш бошқарувчи этиб Б.Турсунов тайинланди. Кредиторлар йиғилиши 2017 йил 19 октябрь кунини соат 10-00 да Марғилон шаҳар ДСИда ўтказилади. Кредиторлар ўз талаблари билан эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида муурожаат этишлари мумкин. Манзил: Марғилон шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 450-уй, шаҳар ДСИ. Тел.: 253-72-70, (+99890)-307-07-54.

Ликвидационная комиссия ОАКБ "УКТАМБАНК" сообщает о заключительной стадии ликвидации ОАКБ "УКТАМБАНК", в связи с чем просит кредиторов банка при наличии обязательств или имеющих какие-либо претензии в течение 30-ти календарных дней письменно обратиться по адресу: г.Ташкент, Юнус-Абдаский район, квартал 2, дом № 8. В письме в обязательном порядке необходимо указать реквизиты (в том числе банковские). Контактные телефоны: (+99890) 954 00 69; (+99890) 185-48-93; (+99898) 311-63-23

Тошкент шаҳар иқтисодий судининг 2017 йил 16 августдаги 1001-1706/6094-сонли ҳал қилув қарорига асосида "Working price" МЧЖ (СТПР: 207140551) банкрот деб топилди. Тугатиш бошқарувчи этиб Р.Мирзаев тайинланди. Тел.: (+99890) 357-62-88.